

Ақийда дарслари (138-дарс). Қадарни инкор қилганлар қиёмат куни оғир аҳволга тушади



19:24 / 14.06.2021 4841

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳузурларига Қурайш мушриклари қадар ҳақида тортишиб келганларида, «Улар юзтубан дўзахга судраладиган кунларида «Жаҳаннам азобини татиб кўринг! Албатта, Биз ҳар нарсани қадар билан яратдик» ояти нозил бўлди».

Араб мушриклари Аллоҳ таолонинг борлигига ишонганлари билан, Унинг баъзи сифатларига ишонмас, жумладан, қадар масаласига ҳам иймон келтирмас эдилар.

Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам Ислом даъватини бошлаб, ҳақ динни баён қила бошлаганларида, улар турли қаршиликлар кўрсатдилар.

Жумладан, у зот алайҳиссалом қадар масаласини баён қилганларида, бунга қарши турдилар. Уларнинг бошлиқлари тўпланиб келиб, Пайғабаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам билан қадар ҳақида мужодада қилдилар:

«Қадар деган нарса йўқ, Аллоҳ ҳамма нарсани илгаридан билиши мумкин эмас. У ишларни вужудга келганидан сўнггина билади», дедилар.

Ана ўшанда Аллоҳ таоло уларнинг бу гапларининг зиддига Қамар сурасидаги:

«Юзтубан оловга судраладиган Кунда: «Сақар азобини татиб кўринг!» (дейилур). **Албатта, Биз ҳар бир нарсани ўлчов билан яратдик»** оятини нозил қилди. (*Қамар, сураси 48-49 оятлар*)

Шу билан мушрикларнинг гаплари нотўғри, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг гаплари тўғри экани исботланди.

Ушбу ҳадисни бу ерда келтиришдан мақсад, ким қадарга иймон келтирмаса, албатта, қиёмат куни юзтубан ҳолида дўзахга судралади, демоқдир. Судраб кетилаётганда эса: «Жаҳаннам азобини татиб кўринг! Албатта, Биз ҳар нарсани қадар билан яратдик», дейилади, деган маънони таъкидлашдир.

Ҳозирги кунимизда ҳам баъзилар ўзларига ўхшаган баъзи ожиз бандаларнинг тахмин билан айтган башоратларига, қилган ўлчов, ҳисоб-китобларига ишонишади. Уларга қойил қолиб, таҳсинлар ўқишади. Аммо ўша бандаларнинг ҳаммасини яратган Зотнинг қазои қадарига ишонгилари келмайди. Ушбу ҳадисда келган оятда зикр қилинган ҳолга улар ҳам тушишлари турган гап.

Ушбу ҳадисдан мушрикларга ўхшаб қадарни инкор қилмаслик, у ҳақда мужодада қилмаслик фойдасини оламиз. Шунингдек, қадарни инкор қилганлар қиёмат куни оғир аҳволга тушишларини билиб оламиз.

«Сунний ақийдалар» китоби асосида тайёрланди